

# “Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти

## Ягона акциядорининг 7-сонли

### КАРОРИ

2021 йил 1 ноябрь

Тошкент шаҳри.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 84 680 814 487 донани ташкил этади.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

**1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.**

#### *Кун тартибидаги масала юзасидан:*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5171-сонли қарорининг 5-бандига биноан бир қатор корпоратив буюртмачиларда (шу жумладан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ҳам) харидлар трансформацияси офисларини ташкил қилиш чораларини кўриш белгиланган ва бу борада Бош вазир ўринбосари Д.А.Кучкаровга ва Молия вазирлигига тегишли кўрсатмалар берилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Раислигида 2021 йил 22 апрелда ўтказилган видеоселектор йиғилишда давлат ва ҳусусий корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар турини, хажмини ва сифатини ошириш юзасидан берилган бир қатор топшириқлар ижросини таъминлаш ва тақсимловчи электр тармоқлари соҳасида кўрсатилаётган давлат хизматларини тез ва сифатли бажарилишини ташкил этиш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгашнинг 05.05.2021 йилдаги 3-сонли мажлиси қарорига биноан мазкур Жамиятнинг “Давлат ва шартномавий хизматларни ривожлантириш” филиали ташкил этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.08.2021 йилдаги 24/1-1524-сонли топшириғи билан давлат улуши мавжуд бир қатор корхона ва хўжалик жамиятлари импортни оптималлаштириш ва маҳаллийлаштиришга эҳтиёжи мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда, ушбу масалаларга масъул раҳбар ўринбосарлари вазифаларини қисқартириш ва қайта кўриб чиқиш кўрсатилган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сонли қарори ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида ҳамда Жамиятнинг “Давлат ва шартномавий хизматларни ривожлантириш” филиали ташкил этилганлигини инобатга олган ҳолда “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини лойиҳа ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 59-моддасига биноан акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи акциядорларнинг умумий йиғилиши (ёки барча овоз



берувчи оддий акциялари эгаси) ваколатига киришини инобатга олиб,  
“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ янги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.


2. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Бошқаруви раиси У.М.Мустафоевга Жамият янги ташкилий тузилмасидан келиб чиқиб, Жамиятнинг штатлар жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини амалга ошириш топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирининг  
биринчи ўринбосари



О.Насритдинходжаев

# «Худудий электр тармоқлари» АЖ ижро аппарати Тузилмаси



Бошқарув ходимларининг умумий сони – 110 та.  
\*техник ва хизматчи ходимларининг умумий сони қонунчиликда белгиланган меъриларга мувофиқ белгиланади.  
\*\* Бошқарув раёни Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан келишилган ҳолда ходимлар сонининг умумий кинсори доирасида штатлар жадалғилга ўзгаририлди киритилган ҳақин.